

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш кўмитаси раисининг
биринчи ўринбосари, Илмий-техник
кенгаш раиси



Ш.Джаббаров

«28» июль, 2025 йил

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш кўмитаси ҳузуридаги Илмий-техник кенгаш
йиғилишининг

12 -сон БАЁНИ

2025 йил 28 июль

Тошкент ш.

- Раислик қилувчи:** - Ш.Джаббаров - Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, Илмий-техник кенгаш раиси.
- Иштирок этганлар:** - Илмий-техник кенгаш аъзолари: А.Акбаров, А.Сафаров, А.Бозоров, С.Мавлонов, С.Туляганов, Д.Пирназаров, Ш.Маматов, Ж.Турсагатов, А.Нурматов, А.Курбонов, Т.Тойлоқов, А.Есимбетов, Э.Шаптаков.
- Таклиф этилганлар:** - Н.Нажимов - Жаҳон банки иштирокидаги «Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)» лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи раҳбари;
У.Ахмедов — “Паррандасаноат” уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари.

КУН ТАРТИБИ

1. Халқаро тараққиёт уюшмаси ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги “Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳасининг “Чорвачилик соҳасида давлат хизматларини кучайтириш” компоненти доирасида режалаштирилган қурилиш-таъмирлаш ишларига Лойиҳачи ташкилот ёллаш учун ишлаб чиқилган Техник топшириқ муҳокамаси.

2. Халқаро тараққиёт уюшмаси ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги “Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳасининг “Чорвачилик соҳасида давлат хизматларини кучайтириш”

компоненти доирасида режалаштирилган курилиш-таъмирлаш ишлари устидан техник назорат олиб бориш бўйича ташкилот ёллаш учун ишлаб чиқилган Техник топшириқ муҳокамаси.

3. Халқаро тараққиёт уюшмаси ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги “Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳаси доирасида ҳудудларда вакциналар сақлаш бўйича совуткичли занжир тизимини яратиш мақсадида харид қилиниши таклиф этилаётган совуткичларнинг техник параметрларининг муҳокамаси.

4. Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) иштирокидаги лойиҳа доирасида Ташхис марказлари ва Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг моддий-техник базасини яхшилаш учун харид қилиниши режалаштирилаётган ускуналар рўйхатини кўриб чиқиш.

5. Хоразм вилоятида паррандачилик соҳасида кооперация тизимида тайёр бизнес лойиҳасининг ТИА ишлаб чиқиш техник топшириғи муҳокамаси тўғрисида.

6. “Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳаси 2.3 компоненти доирасида белгиланган “Ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш бўйича семинар трейнинг” лар ўтказиш юзасидан ишлаб чиқилган техник топшириқ муҳокамаси.

7. Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02 рақамли илмий кенгаш асосидаги (DSc) илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгаш томонидан Яхяев Бахтиёр Саъдуллаевичнинг “Қоракўл қўйларининг маҳсулдорлигини оширишда озуқа қўшимчаларидан фойдаланишнинг илмий асослари ва амалий усуллари” мавзусидаги 06.02.03-Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси ва 06.02.02-Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини озиклантириш ва озуқа тайёрлаш технологияси ихтисосликларидан қишлоқ хўжалик фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация ишига Ётакчи ташкилот сифатида ҳулоса бериш тўғрисида.

*Джаббаров, Сафаров, Нажимов, Атамуродов, Аҳмедов, Пирназаров, Турсагатов,
Нурматов, Қурбонов, Элмуродов, Базаров, ...Джаббаров*

Олиб борилаётган ишлар тўғрисида масъулларнинг **ахбороти эшитилди.** Жумладан, Жаҳон банки иштирокидаги «Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)» лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи раҳбари Н.Нажимов кун тартибидаги 1 ва 2-масалалар бўйича Жаҳон банки иштирокидаги «Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)» лойиҳасининг “Чорвачилик соҳасида давлат хизматларини кучайтириш” компоненти доирасида режалаштирилган курилиш-таъмирлаш ишларига Лойиҳачи ташкилот ёллаш учун ишлаб чиқилган Техник топшириғи, шунингдек, лойиҳа доирасида курилиш-таъмирлаш ишлари устидан техник

назорат олиб бориш бўйича ташкилот ёллаш учун ишлаб чиқилган Техник топшириқ билан Илмий-техник кенгаш аъзоларини таништирди.

Шунингдек, кун тартибидаги 3-масала юзасидан Халқаро тараққиёт уюшмаси ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги “Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳаси доирасида ҳудудларда вакциналар сақлаш бўйича совуткичли занжир тизимини яратиш мақсадида харид қилиниши таклиф этилаётган совуткичларнинг техник параметрлари бўйича маълумот берилди.

Кун тартибидаги 4-масала бўйича Қўмитанинг Инвестиция ва инновацияларни жалб қилиш бошқармаси бошлиғи А.Бозоров Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) томонидан амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳа доирасида Қўмита ҳузуридаги Ташхис марказлари ва Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг моддий-техник базасини яхшилаш учун харид қилиниши режалаштирилаётган ускуналар рўйхати билан Илмий-техник кенгаш аъзоларини таништириб ўтди. Маълум қилинишича, мазкур ускуналар рўйхати Ташхис маркази ва Илмий-тадқиқот институтларининг мутахассислари томонидан заруратга кўра ишлаб чиқилганлиги, мазкур лаборатория жихозлари касалликларни эрта ташхислаш, тадқиқот ишларини инновацион усуллар ёрдамида олиб бориш ва бошқа лаборатор шароитларни яхшилашга хизмат қилади.

Кун тартибидаги 5-масала юзасидан “Паррандасаноат уюшмаси” раисининг биринчи ўринбосари У.Ахмедов “Parranda Investment” МЧЖ томонидан 2025 йил 7 июль куни келиб тушган СБ-01/02-83-сон мурожаат бўйича ахборот берди.

У.Ахмедовнинг ахборотига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 27 июндаги ПҚ-238-сон ҳамда 2025 йил 17 январдаги ПҚ-12-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Хоразм вилоятида кооперация тизимида замонавий сўйиш корхонаси (кушхона) ва музлаткичли омборхоналар, озуқа ем ишлаб чиқариш, маҳсулотлар ва чиқиндиларни қайта ишлаш, насли жўжалар етиштириш ва парранда маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларини ўз ичига олган тайёр бизнес лойиҳасини “Paranda Investment” МЧЖ (кейинги ўринларда – Жамият) томонидан амалга ошириш мақсад қилиб олинганлиги маълум қилинди.

Шунингдек, “Paranda Investment” МЧЖ корхонаси паррандачилик соҳасида тайёр бизнес лойиҳаларини амалга ошириш мақсадларида 100 фоиз улушда “Паррандасаноат” уюшмаси таъсисчилигида ташкил этилганлигини билдирди.

Шу билан бирга, “Paranda Investment” МЧЖ директори (С.Бердиев) сўзга чиқиб, юқорида кўрсатиб ўтилган қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида 2025-2026 йилларда Хоразм вилоятида паррандачилик соҳасида тайёр бизнес лойиҳаси амалга оширилаётганлиги ва дастлабки ҳисоб-китобларга кўра:

6 та ер участкасида 240 минг бош насли паррандаларни етиштиришга мўлжалланган фермалар;

31 та ер участкасида бир циклда 4,5 миллион бош ва йилига 24 млн бош бройлер боқишга мўлжалланган фермалар;

йиллик қуввати 120 минг тонна корхона ва йиллик қуввати 27 млн бош жўжа очириш инкубаторияси;

соатига 6 минг бош (йилига 24 млн бош) замонавий сўйиш корхонаси ҳамда бир суткада 70 тонна парранда маҳсулотлари чиқинди хом ашёларини қайта ишлаш корхонаси қурилиши тўғрисида маълумот берди.

Айни пайтда Европанинг етакчи ишлаб чиқарувчи компаниялари билан, жумладан – сўйиш технологиялари бўйича Meyn, Marel (Нидерландия) ва Kromesa (Туркия), чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича Movitec и Harsleef (Нидерландия), инкубатория бўйича Petersime (Бельгия) ва Pas Reform (Нидерландия), бройлерларни етиштириш технологияси бўйича VDL Group (Нидерландия) ва Big Dutchman (Германия), озуқа-ем заводи масаласида Ottevanger (Нидерландия), BDW Feedmillsystems ва Wagner (Германия) музокаралар ўтказилиб, тегишли келишувларга эришилганлиги билдирилди.

Ушбу лойиҳани амалга оширилаётганлиги тўғрисида Қўмита раисига ахборот берилганлиги ва розилиги олинганлиги маълум қилинди.

Кун тартибидаги 6-масала юзасидан Қўмита ҳузуридаги Ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш маркази директори Б.Атамурадов сўзга чиқиб “Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳаси 2.3 компоненти доирасида белгиланган “Ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш бўйича семинар тренинг” лар ўтказиш белгиланганлиги, шу боисдан эксперт-тренерлар жалб қилиш юзасидан техник топшириқ ишлаб чиқилганлигини маълум қилди ва ИТК аъзоларини техник топшириқ мазмуни билан таништириб ўтди.

Билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб Илмий-техник кенгаш йиғилиши **қарор қилади:**

1. Халқаро тараққиёт уюшмаси ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги “Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳаси доирасида:

Чорвачилик соҳасида давлат хизматларини кучайтириш” компоненти доирасида режалаштирилган қурилиш-таъмирлаш ишларига Лойиҳачи ташкилот ёллаш учун ишлаб чиқилган Техник топшириқ;

“Чорвачилик соҳасида давлат хизматларини кучайтириш” компоненти доирасида режалаштирилган қурилиш-таъмирлаш ишлари устидан техник назорат олиб бориш бўйича ташкилот ёллаш учун ишлаб чиқилган Техник топшириқ;

В.А.Александров